


**БИРАНИНГ
УСТУНИ**



ПРЕЗИДЕНТИМИЗГА МАКТУБ

Маълумки, кўшни Ҳиндистон давлатининг Ҳайдаробод шаҳрида «Ҳиндистондаги Бобурийлар жамияти» деб аталувчи жамоатчилик ташкилоти фаолият курсатади. Мазкур жамиятга Ҳиндистондаги сўнгги Бобурий ҳукмдор — Баҳодиршоҳ Зафарнинг чевараси Бегим Лайло Уммахони раислик қилади.

Бобурийлар жамиятининг раҳбарлари Бегим Лайло Уммахони ва унинг ўгли жаноб Зиёвуддин Тусийнинг мамлакатимиз Президентини билан мулоқотлари кенг жамоатчиликка маълум. Яқинда Ҳайдарободдан муҳтарама онахон бетоб бўлиб қолган чоғида Президент Ислоҳ Каримов томонидан курсатилган мурувват ёрдами учун самимий миннатдорлик билдирилди, мамлакатимиз ва халқимиз хусусида дил сўзлари изҳор қилинган мактуб олинди.

ТУТДАН КОНСЕРВА

Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги мева ва сабзавотларни консервалаш корхонаси 7 турдаги маҳсулотлардан консерва тайёрлайди.

Шу кунларда марварид тутдан 1,5 тонна консерва қилинди. Корхона буй йил 8 минг тонна турли меваларни консервалаш мажбуриятини олган.

«МАНАС»ГА БАҒИШЛАНГАН АНЖУМАН

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти, Қирғизистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Франция Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси қошидаги Марказий Осиёни урганиш илмий-тадқиқот институти ва Тошкентда фаолият курсатаётган Қирғиз маданий маркази буюк «Манас» эпосининг 1000 йиллигига бағишланган илмий анжуман утказдилар.

ЖУРНАЛИСТЛАРГА МУКОФОТЛАР

Ўзбекистон журналистлар котибияти ўтказган «Йилнинг энг яхши журналистик иши» учун аънавий курик-конкурси якунланди. Ўзбекистон журналистлар уюшмаси мукофоти лауреати унвонига Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги халқаро ахборот таҳририяти бош муҳаррири Амирқул Карим, «Ўзбекистон овози» газетасининг бўлим мудири Норқобил Жалил, «Халқ сўзи» газетасининг катта муҳбири Расул Жумаев, шу газета бўлим мудири Мукаррама Муродова, «Спорт» газетасининг бош муҳаррири уринбосари Асрор Мумин, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг бўлим мудири Аҳмад Отабоев, «Бухоро ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири Тошпулат Аҳмад, журналистлар Рашид Аслонов, Искандар Раҳмон, «Тошкент ҳақиқати» газетасининг бўлим мудири Зарифа Эралиева, «Бекобод ишчиси» газетасининг муҳаррири Абдурахим Бобоназаров, Олтиариқ тумани «Давр овози» газетасининг бош муҳаррири Олимжон Ҳакимов, Тўрақўрган тумани «Машъал» газетасининг бош муҳаррири уринбосари Содиқ Сайхун, «Биржевой Вестник Востока» газетасининг бош муҳаррири Галина Чебакова, «Ўзбекистонконтакт» журналининг ходими Азизахон Тўйчибоева, Ўзбекистон телевидениеси ижтимоий-сиёсий курсатувлар бош таҳририяти муҳаррири Рузубой Қўлдошев, Республика радиосининг «Сўнгги ахборот» таҳририяти шарҳловчиси Аҳмадjon Бузрук сазовор бўлдилар.

Ҳамкасбларимизни мукофот билан чин дилдан қўлаймиз.



Р. АЛЬБЕКОВ сурати

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Биринчи ярим йилги обуна давомида сизга турли сабабларга кўра, газетанинг 4 сонини етказиб беролмадик. Бунинг учун минг бор узр. Лекин сиз қайғурманг. Ҳафталик таҳририяти иккинчи ярим йилда гарчанд обуна бўлмасангиз ҳам бепул етказиб беришга қарор қилган.

Эҳтиром билан:
«Оила ва жамият» таҳририяти

У Ш И Б У
С О Н Д А

2-бет

«Тирноғимдан то сочимгача
муслмонман»

3-бет

Даврадаги «гўзал санам»

4-бет

Закот

5-бет

Купедаги аёллар

8-бет

«Тунги саргузашт»

ОРОЛ — БОЛАЛАР КЎЗИ БИЛАН

Нукусда «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси Қорақалпоқ бўлимининг ташаббуси билан Республика халқ таълими вазири ва И. В. Савицкий номидаги Давлат музейи ҳамкорлигида «Орол болалар кўз қарашларида» деб номланган расмлар конкурси бўлиб ўтди.

Конкурсда кичик ёшдаги болалар уртасида биринчиликни қўлга киритиш Нукус шаҳар 1-мактабнинг бошланғич синф ўқувчиси А. Кўйчибоевга, иккинчи ўрин эса шу мактаб ўқувчиси Ш. Телиповаларга насиб қилди. Катта ёшдаги болалар орасида И. Ковалева ва Р. Наржановлар биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллашди. Голиблар қимматбаҳо буюмлар, китоблар ҳамда «Элтекс»нинг махсус тайёрланган кийим-кечаклари билан мукофотланди.

Конкурс иштирокчиларининг ижод маҳсулларини баҳолашда танланган сарлавҳага, унинг бадиий жиҳатдан безатилишига, ишлатилган бўёқ ва рангларнинг сифатига, умуман, ҳар бир асар мазмунига алоҳида эътибор берилди.

М. АЙТИМОВ

Муассисларимиз фаолиятдан

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ СОҒЛОМ ВА БАҚУВВАТ БЎЛСИН

Соғлом авлодни вояга етказиш бугунги кунда ҳукуматимизнинг диққат марказида турган асосий масалалардан биридир. Ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида 1994 йили «Соғлом авлод учун» жамғармасининг туманимиздаги таянч пунктини ташкил этдик. Жамғармамиз иш фаолиятини бошлаганидан буён туман хотин-қизларининг соғлиғи, туғилаётган ёш авлоднинг жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб улғайишига катта эътибор бериб келмоқда. Ҳомиладор аёллар, чақалоқлар доимо бизнинг диққатимизда. Туман соғлиқни сақлаш бўлими ва касаба уюшмаси билан биргаликда тумандаги барча хотин-қизларни оммавий равишда медицина кўригидан ўтказиб турилибди. Бу тадбирни барча ҳужаликлар-

да ва маҳаллаларда ташкил этганмиз.

Қайси мамлакатнинг аёллари соғлом бўлса, уша ерда туғилаётган авлод ҳам соғлом ва баркамол бўлади. Туманимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш учун хотин-қизлар маслаҳатхоналарида «Соғлом авлод учун», болалар поликлиникасида эса «Соғлом бола» таянч пунктлари ташкил этилди. Шу йилнинг апрель ойида туман миқёсида болаларни эмлаш кунини ўтказдик. Кам таъминланган, ногирон фарзандлари бор оилалардан ҳар доим хабардормиз. Байрам ва сайл кунлари ҳўжаликларда, қишлоқларда бўлиб, ёрдамга муҳтож оилаларга узимизнинг беминнат кўмагимизни кўрсатмоқдамиз. Биз амалга ошироқчи бўлаётган азалу ишларимизга тўсқинлик қилаётган қийинчилик ва камчиликлар ҳам йўқ эмас. Лекин бу қийинчиликларни енгишимизда

бизга туман ҳокимлиги яқиндан ёрдам бермоқда.

Зеро, фарзандлари соғлом ва бақувват бўлган юртининг келажиги ҳам мустаҳкам бўлгусидир.

Х. ХИДИРОВА,
Чироқчи тумани «Соғлом авлод учун» таянч пунктининг раиси



С. МАҲКАМОВ сурати

Мен расомман, менга гапиршдан чизиб осон. Аввало уйимиздаги бу сўхбат манзарасини чиздим келди. Лекин уйлаб қарасам, унинг салмоғини суратда бор эни-бўйи, моҳияти билан акс эттириб бўлмас экан. Шу боис эдим. Қандай эшитган бўлсам шундай, эпитасимми?

Телефон трубкасини эрим кутарди, ким биландир кўюк сурашиб қайнонамни чақирди:— Ойи, келинг, Вика холам.

Қайнона бувимнинг мазалари йўқ эди. Сингиллари Виктория Артемовна Румий (биология фашилари номдоли, профессор, фан арбоби) опаларини кургани келмоқчи. Эргалаб қатлама пишириб турсам, яна телефон овози. Кутардим. Гавҳар опа (қайнона бувимнинг опалари).

— Ассалому алайкум, Раҳимахон болам, Лиза қалай?

— Худога шукр, яхшилар.

Гавҳар опа менга бир врач билан маслаҳатлашгани, қайнона бувимга ёрдам бериши мумкин эканлиги ҳақида гапирди.

— Гавҳар опа,— дейман гапларини тугатгач.— Бугун бизникига келинг. Вика опа ҳам бўлади.

Ҳаммамиз биргаликда дастурхонни тўридаб, энди овқатга уннаган эдик, эшик кўнгириги жингиллади. Мен қайнона бувимнинг сочларини тўриладим. Саксондан ошганларига қарамай, сочлари худди узларидай юмшоқ, майин ва кўюк. Бу орада Вика опа келиб опаларини кўчоқлаб ўқидилар. Яқинда Виктория Артемовнага саксон ёшлик туялари арафасида «Республикада хизмат курсатган фан арбоби» унвони берилган эди. Қайнона бувим йилгига боролмаган эдилар. Сингил-

лари опаларига курсатиш учун ушанда туширилган фотоларни олиб, орденларини тақиб келибдилар. Бу орада Гавҳар опа ҳам келдилар. Жамоат жам бўлгач, фотиҳага кул очдилар.

— Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим, илоҳи юрт тинч бўлсин. Эсон-омон болаларимизга бош бўлиб юрайлик... Ташвиш нималигини билмайлик. Қалам етди, бало етмасин, оллоху акбар.

Ҳадемай, қайнонам Яйраҳоним Абдулғаева (Ўзбекистон халқ артисти) ҳам келиб қолдилар. Овқатдан сўнг ҳар еқдан гап кет-

оламлар кўп.

— Боринглар, энди дарс бўлмайд.

Билсак, отинойи оламдан ўтибдилар. Эй, болам, нимасини айтай. Биз ўзбеклардан жуда кўп яхшилик кўрдик. Лекин зинҳор бакинҳор ёмонлик курганимиз йўқ.

У болалиги ҳақида тулқинланиб гапирарди.

— 1921-22 йиллар эди-ев, чамамда. Очарчилик даври. Мен бироз катта бўлиб эсимни таниб қолгандим. Станцияда ишлайдиган баъзи бир одамларнинг кирларини ювмак. Булар (нигоҳи билан иккада сингил-

ларди. Ҳозир ҳам бор. Шу қишлоқдан бир еши каттароқ аёл йўловчилар ташийдиган поезидатлардан тилангани ўтарди. У станцияга кетаётиб ҳам, келаятиб ҳам бизникига кириб, бир пиела чой ичиб, йитилган нарсалардан бизга беради. Кўпича бизникида қўлиб кетарди. Уни Уйилхола дердик. Мен уй тутишни узимиз турган ҳовлининг бекасидан ва Уйилхоладан урганганман. Ўзбек оиласида нимаики урф-одатлар бўлса, овқат пиширишлар-у, нон епишгача ушалардан урганиб, ҳозиргача шунга амал қиламан. Ойлада катта қиз бўлганим учун ҳовли бекасига доим ёрдам берадим. Ҳаммамиз ҳам қараб турмасдик.

Ойламизда угил болалар ҳеч турмаган экан. Шунга ирим қилибми, далам билан ойим мени угил болача кийинтириб қўйишарди. Узим ҳам жуда шўх эдим. Биздан қўшнилари бонг ҳам тинч қолмасди. Қўшнилари Артимбойнинг (Артем) қизларидан «лод» дейишарди.

— Шунча болам,— дейди Гавҳар опа,— йитинларда ешларга айтадиган гапим шу. — Болаларим, ўзбек булганликларингдан фахрлангилар. Мен ер юзининг жуда кўп юртларида ҳар хил одамлар билан мулоқотда бўлдим. Бунақа улка, бунақа меҳнатсевар, меҳмондуст, оқибатли халқ ҳеч қаерда йўқ. Рост, қизим, мана нон турибди. Қузимни очибманки, шу халқни курганман, ўзбекча фикрлайман. **МЕН БУТУН ВУЖУДИМ БИЛАН ЎЗБЕКМАН.**

Ҳа, уйлайман ичимда, агар отага бешала қиз бахтини куриш насиб этганида, угил йўқлигидан сира ҳам ўксимаслиги аниқ эди. Катта қизи — Амалия таржимон, аjoyиб пазанда бўлган, Тамараҳоним, Гавҳарҳоним, Лизаҳоним, уларни ким танимайди? Викторияни эса пахтачилик илми қизиқтирди. Ва улар энг аввало Ўзбекистон фарзанди.

Анчагача шу сўхбат таъсирида юрдим. Биз кўпича эн-афромиздаги одамларга оддий нигоҳ билан қараймиз. Урф-одатларимизга ҳам урганиб кетганимиз учун солда, жун туюлади. Аммо опа-сингиллар сўхбатидан сўнг одатларимиз қузимга бошқача қурина бошлади. Менга одамжон, болажон деган атамалар яна ҳам яқинроқ келди. Шу тупроқ, шу халқнинг бир зарраси бўлганимдан ич-ичимдан суяндим. Севинчимни сиз билан баҳам қургим келди.

Раҳимахон ҚЎНФИРОВА

БУ ОИЛАНИ КИМ ТАНИМАЙДИ?

«ТИРНОҒИМДАН ТО СОЧИМГАЧА МУСУЛМОНМАН»

ди, Гавҳар опа қон босимидан шикоят қилди.

— Руза тутсангиз ҳам-а? — ҳайрон бўлди қайнонам.


— Ҳар кунни тута олмадим. Касал одамга руза буюрилмаган.

— Ҳақиқий ўзбексиз-да, Гавҳар опа,— ҳазиллашган бўламан.

— Алҳамдулиллоҳ мусулмонман,— деди Гавҳар опа жиддий. — Мен тирноғимдан то сочимгача, бутун вужудим билан мусулмонман, ўзбекман. Эскича илмда ўқиганман. Олти ёшлик вақтида онам мени етаклаб отинийиникига олиб бердилар. Унда

Горечекова станциясида яшардик. Онамнинг розиликлари билан Отинийи алҳамдуни тушуриб, уч марта калима келтирди. Мен сузма-суз қайтариб турдим. Шундай қилиб мусулмон бўлиб қолдим ва отинийидан сабоқ ола бошладим. «Хафтияк»ни тушириб, «Чор китоб»га утган эдим, отинийи касал бўлиб қолди. Бир кун эргалаб дарса келсак дарвоза олдида

ларини курсатиб) ҳали ёш, эрта билан сандал атрофида ухлаб етишарди. Мен икки пақирни кутариб ҳовуздан амаллаб сув олиб келаман. Иситиб кирларни ювиб, уша пайғанда чўг билан иситиладиган дазмол буларди. Шунда дазмоллайман. Қаранг, қурқмабман-а бировнинг нарасини кўйдириб қуяман деб. Эвазига нимадир, бир пақир кумир еки утин беришди ишқилиб, кунимизга ярайдиган. Маҳалла-қуйдагиларнинг яхшилигини қаранг, иложи борича ёрдам беришди. Бир ширмонпаз қўшнимиз буларди. Ширмонни тандирга епганда бозор суймайтганлари чиқиб қоларди. Е оқиб кетган, е орқаси куйган. (Атрофида айланб юрган беш ёшли қизчам Яйраҳонни курсатиб) шундай болаларининг ризқини қирқиб, ушандан бизга олиб чиқиб беради. Булмаса, қанча одам очликдан олиб кетди, вой-вуй... Аввало қудо-ю, лекин маҳалла-қуй, шу халқ сабабчи бизнинг очликдан улмай қолганимизга. Э, булар бир келинди, кофирнинг болалари деб қараб тургани йў-а. Бир бой буларди, Ҳожибой деган. Биз ушанинг ҳовлисида яшардик. У Қонибодомдан Марғилонга туз олиб келиб сотарди. Онам унинг уй иши билан шуғулланар эди. Марғилон билан Горечекованинг уртасида Эшон гузар деган бир қишлоқ бу-



Сухбатдошимиз Гулистон Давлат Университети ўзбек адабиёти кафедраси доценти Ваҳоб Раҳмонов. У киши мумтоз адабиёт, хусусан матншунослик соҳасида республикамиздаги кўзга кўринган олимлардан бири. Гурунгимиз эса ўзбек адабиётининг шох романи «Утган кунлар» ҳақида бўлди.

— Домла, мана, сиз буюк адимиз Абдулла Қодирийнинг «Утган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларининг ягона китоб ҳолидаги 1992 йилги нашрига масъул муҳаррирлик қилдингиз. Сизни мумтоз адабиёт мутахассиси сифатида биладиганлар учун бу, менимча, ажойиб бир янглик...

— Тўғриси, бундай улкан ва савобли ишда менинг ҳам оз бўлса-да, иштироким бўлади деб, сира ўйламагандим. Иш юзасидан Гафур Гулом номидаги нашриётга бориб, бош муҳаррир Ҳайриддин Султоновга дуч келиб, қолдим. У менга Хондамир Қодирий иккала романи илк нашрлари асосида нашрга тайёрлаганини ва ўша 20-йиллардаги нашрларнинг имлосини сақлаб қолишни талаб қилаётганини айтди. Баъзи масъул уртоқлар айрим сабабларга кўра, бу талабга қарши эканлар. Ҳайриддин Султонов шу масалада менинг фикримни сўради. Мен: «Аслиятга садоқат, илк нашрларнинг имлосини тиклаш Абдулла Қодирийнинг асл товушини эшитишсимон ажойиб иш бўлади. Қолаверса, бу романлар адабий ёдгорликдир. Адабий ёдгорликнинг сўзи тугул ҳарфи ҳам дахлсиз бўлиши керак», дедим. Шундан кейин бош муҳаррир менга шу нашрга масъул муҳаррирлик қилишни ва сўнг сўз ёзишни таклиф этди. Мен бажонидил рози бўлдим.

— «Утган кунлар»ни ўқир эканмиз, ҳеч шубҳасиз, Кумушбиби тимсоли барчамизни мафтун эта-

ди. Бу ҳам Қодирийнинг мислсиз истеъдоди маҳсули. Шундай эмасми, домла?

— Дарҳақиқат, Абдулла Қодирий романчиликда сеҳргар санъаткор. У

КУМУШБИБИ — ОРЗУБОП ТИМСОЛ

қахрамонларнинг ички ва ташқи қиёфаларини, турли ҳолат ва манзараларни шундай маҳорат билан чизадик, ўша воқеа-ҳодисаларни китобхон аниқ тасаввур қилади, ўша воқеалар худди кўз олдимизда содир бўлаётгандек туюлади.

Кумушбиби тимсолига келсак, уни Абдулла Қодирий фақат эркалаб чизгилар келтиради. Менимча, ўзбек адабиётдаги бирор аёл қахрамон бунчалик суюб эркалатилган эмас. Оқилалик, асиллик, садоқат, фидойилик, мулоҳазалилик, борингки, барча аёллик ижобий фазилатлари Кумушбибида барқ уриб туради. Шу маънода Кумушбиби — орзубоп тимсол дегим келади. Қизларимиз муҳаббатда, садоқатда, оқилликда Кумушбибидек бўлишга интилсалар дейман.

— Билет топилмайди «Утган кунлар»га,

Мен кирмайман. Кирсам кўнглим тўлмайди,

деб ёзади шоир. Дарҳақиқат, филм, у қанчалик маҳорат билан яратилган бўлмасин, романи ўқиганчилик тасаввур бермайди кишига. Сизнинг фикрингиз қандай?

— Бу масалада сиз билан фикрдошман. Негаки, уртача 65 саҳифалик матндан бир серияли филм яратилади. «Утган кунлар»нинг ҳажми эса ўқувчиларга яхши маълум. Оқибатда, филм маълум маънода узук-юлук воқеалар йиғиндисидан иборат бўлиб қолган. Шунинг учун гар-

чи уқтам Отабек ва Кумушбибидай ҳаё рамзи булган сиймолар эсда яққол қолса-да, филмдан кўнгул тўлмайди.

Кейинги йилларда Республи-

тўғриси, бир ҳавасдир» деб атаган асарнинг биринчи бўлими нашр этилганига бу йил роппа-роса 70 йил бўлади. Бу орада жамият ҳаётида қанчадан-қанча ижтимоий-сўёсий ўзгаришлар юз берди, лекин «Утган кунлар» мутолаасига булган ҳавас ва иштиёқ заррача сунгани йўқ. Менга қолса, бу асарнинг ҳар бир саҳифасини мўъжизалар қони деган булардим.

— Шу суҳбатимиз муносабати билан кўнглингиздан яна қандай ўй-кечинмалар кечмоқда?

— Биласизми, менимча, Қодирийни эслаш халқ учун улуг ишдир. Қодирийни эслаш, уни ўқиш ўзбекка ўзлигини англашти деб ўйлайман. Муҳитимизда Юсуфбек ҳожиларни, Отабекларни, Кумушбибиларни кўпайтириш деб ҳисоблайман.

Боиси бир нуқтадин, Машраб, замонга сигмадим! деган гапни Жулқунбой ҳам айтиб кетди. Ҳар биримиз баркамоллик ва эътиқод соғломлигига интилар эканмиз, Қодирийни ўқийлик.

— Қизиқарли суҳбатингиз учун раҳмат.

Даврон БЕК суҳбатлашди

ка ойнаи жаҳони «Лайли ва Мажнун», «Кеча ва кўндуз» каби асарлар асосида кўп қисмли видеофилмлар яратиб, савобли ишга кўл урди. Энди «Утган кунлар» романи асосида ҳам ана шундай видеосериал суратга олинса, деган умиддамиз. Шуниси ҳам борки, филм неча серияли бўлишидан, унда қайси актёрлар рол ўйнашидан қатъий назар асарни ўқиш лаззати барибир бошқача бўлади. Юқорида сиз эсга олган шеърда, шундай сатрлар ҳам бор:

Хайр уйқу дейман менда йўқ ором,

Муқовасиз китобимга мук тушиб.

— Ўзбек романчилигида «Утган кунлар» даражасидаги асар

бошқа яратилгани йўқ деган фикрга қандай қарайсиз?

— Бу ҳақиқатни тан олмасликнинг иложи йўқ. Абдулла Қодирийнинг ўзи «янги замон романчилиги билан танишиш йўлида кичкина бир тажриба, яна



Саховатпешалар юрти бу

МУРУВВАТ

Ривоятга кўра, жаноби пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: «Мен ва етимни қафолатга олган киши билан жаннатда шундай бирга бўламиз», — деб икки бармоқларини жуфтлаб кўрсатган эканлар. Албатта, бундай қафолатнинг урдасидан фақат саҳий, охиратини уйлаган одамгина чиқа олади.

Яқинда ана шундай савобнинг этакини тутган саховатпеша инсон — Китоб туманида истиқомат қилувчи Мурод ака Зарипов вилоятдаги Гафур Гулом номи эитинчи болалар уйида тарбияланувчи Мавлонов

Шерзод, Алиев Нуриддин ҳамда ака-ука Илёс ва Гибёс Чориевларнинг бошини силади, ўз даромадидан уларнинг суннат тўйларини қилиб берди.

Мен ҳам тўйнинг довругини эшитиб ўша ёққа бордим. Бир пиёла чой устида тўйга ҳомийлик қилаётган Мурод акани суҳбатга тортидим:

—Айримлар «ўғил фарзанди бўлмагани учун 4 етимни суннат қилдирди», дейишяпти. Ёки буларни ўз қафолатингизга олиш бошқа сабаб билан ҳаёлингизга келдим?

— Яқинда хасталик билан касалхонага тушиб қолдим. Шунда бир танишим Оллоҳ йўлида худойи қилиб беришимни маслаҳат қилганди. Шунда ҳаёлимга бошқа фикр келди: ўзимча икки-уч нафар етимга оталик қилишни ўйладим. Касалхонадан чиқиб тўғри туманимиздаги болалар уйи директори Шохистахон Қодированинг маслаҳатига ошиқдим. Шу бўлди-ю, тўйни бошлаб юбордим.

Мурод ака билан суҳбатлашарканман, у кишининг болаларга нисбатан гамхўрлиги, меҳр-муҳаббати ниҳоятда кучли эканлигини сезиб, қалбимни алланечук қувонч ҳисси қамраб олди. Тўй сабабчилари эса пилдираб юришибди. Зарбон тўнга ўралган бу болалар келажакда Мурод акадек меҳридарё, қалби қайноқ, кули ва кўнгли ҳамиша очиқ, саховатли кишилар бўлишини ният қилиб қайтдим.

Бахтиёр САЙИД Қашқадарё вилоти



Р. АЛЬБЕКОВ сурати

Кўзгудаги ўзимиз

ДАВРАДАГИ «ГЎЗАП САНАМ»

Раққоса деганда дастлаб ўз фикру хаёл ва орзу-ўйларини нозик ҳаракатлар ҳамда турли мақомларда юксак маҳорат билан ифода эта оладиган, миллий санъатимизнинг ажойиб намояндалари бўлиши ибодли, ҳавли, камтар, ниҳоятда маданиятли ўзбек қизини кўз олдимизга келтирамай. Аммо бугунги кунга келиб пўлни кўрганда тўққан онасини танимайдиган, ширакайф, 17-25 ёшлардаги енгилтак раққосаларимиз кўпайиб кетмоқда. Уларнинг вазифаси тўй ва базилардаги сархуш меҳмонлардан қандай йул ва усуллар билан бўлмасин пул шилишдан иборат. Бунинг учун тўйнинг иккинчи ярмида отарчилар пала-партиш шалдироқ сўзлару бачкана тангир-тунгурларни ишга солишади. Тўғриси, бундай пайтларда ор, номус, ҳаё ва ибодан мутлақо кечган бу беҳаёллардан дилинг ранжийди.

Хоразм рақс санъатининг моҳир устаси, Ўзбекистон халқ артисти, ўз касбини жон-дилидан севган муносиб шогирдларнинг мураббийси, санъатшунослик фанлари номзоди Гавҳархоним Матёкубованинг саёқ раққосалар ҳақида фикри қуйидагича:

— Баъзан тўй ва зиёфатларда пул кетидан қувиб ўзларича раққоса номини олган ёш қизларимизнинг ўйин ҳаракатлари ва беҳаёликларини кўриб, раққосалик касбини танлаганинг учун афсусланасан киши. Уларнинг ҳаракатларидан на миллий, на эстрада, на рок ёки бошқа жанр ўйин-

ларини англай оласиз.

Энг ёмон томони шундаки, даврадаги шилқим қизларни кўрган ота-она ўз қизларининг раққоса бўлишига ҳеч қачон розилик беришмайди. Натихада бу соҳага ўта иштиёқманд, талантли ёшлар орзуси гўнчалик чоғиданок сўлади.

Саҳна, тўй ва базилардаги давралар кўпчиликнинг назари тушадиган муқаддас ва сеҳрли маскандир. Зеро, бундай базиларга тайёрланиш учун ўша хонадон соҳиб бири неча ойлар давомида бола-чақасининг ризқидан қийиб, эрта туриб, кеч ётиб тўй учун маблаг жамғаришади. Шундай экан, мақсад унинг йиллаб йўқанини бир кунда шилиш эмас, имкони борица уларга ёрдам бериб, тўйни тўйдек мазмунли ўтказишдир. Бунинг учун эса саёқ раққосалардан воз кечиш зарур. Қишлоқ ва шаҳарлардаги тўй ҳайъатларининг аъзолари, оқсоқоллар, қолаверса, касабга уюшмаса ва ёшлар иттифоқи ташкилотлари ҳамкорликда режа ишлаб чиқиб, бу борада ҳамжиҳат ҳаракат қилмасак, шарқона маданиятимиз ва унинг ажралмас қисми булган рақс санъатининг обрусига ерга урилаверди...

Ҳурматли газетамиз мухлислари, бу борада балки сизнинг ҳам ўз фикр-мулоҳазаларингиз, аниқ таклифларингиз бордир. Келинг, ўзбек халқининг миллий рақс санъати шаъни учун бирга кўрашайлик.

Муҳаммад Собир АЙТИМОВ

МЕЪРОЖ АДАБИ

Оллоҳ Расули буюрдиларки:
— Улар (мўминлар) закотни адо қилувчи кимсалардир. 70/
Абу Хурайра ривоят қилади:
— Оллоҳ Расули буюрдиларки:
— Олтини ё кумуши бўлатуриб, буларнинг закотини бермаган бирон кимса қолмаски, улар учун, қиёмат содир бўлганда, қизгин сочлар тайёрланиб, бу сочлар устида, жаҳаннам оташида қиздирилмас ва бу қизгин сочлар уларнинг ҳар ёғини доғлаб ташламаса!
Оллоҳ буюради:

— Олтин-кумушни босиб уни Оллоҳ йўлида инфоқ-эхсон қилмайдиган кимсаларга аламли азоб «хуш-хабарини» етказинг!

— У кунда (қиёматда) уша (олтин-кумушни) жаҳаннам ўтида қизитилиб, уша билан уларнинг пешоналари, ёнлари ва кетларига тамга босилиб: «Мана бу ўзларингиз учун тўплаган нарсаларингиздир. Энди тўплаб-босган нарсаларингизнинг мазасини тотиб қуринглар!» (дейилур) 71/.

Оллоҳ Расули буюради:
— Воҳ у бойларнинг ҳолигаки, камбағаллар улар ҳақда шундай гувоҳлик берадилар:

— Бизга зулм қилдилар. Зиммаларидаги фарз бўлган закотни бермадилар.

Камбағалларнинг бу сўзидан сунг Оллоҳ ҳам буюради:

— Эй фақирлар! Иззатим ва Жалолим ҳаққи, мен сизларга яқинман, улардан (бойлардан) узоқман. Сунг пайғамбаримиз шу оятни уқийдилар:

— Молларида камбағалларнинг ҳақи ҳам борлигини таниганлар бундай эмаслар. 72/.

Ривоят қилинишича, Меърож кечаси Пайғамбаримиз, олдилари ва орқалари доғли, захар-зақум тиканларни зўрлаб едириш учун ҳайдаб кетилаётган, ҳайвон сурувлари каби сурулиб бораётган бир сурув инсонларни кўради. Жаброил-

дан булар кимлигини сурайди. Саволига шундай жавоб олади:

— Булар молларининг закотини бермаганлардир!

Оллоҳ уларга асло зулм этмади. Оллоҳ бандаларига зулм қилувчи эмас.

Тобеинлардан* бир жамоа Абу Синонни зиёрат қилгани боради. Са-

дан бир овоз чиқди.

— Оҳ! Мени ёлғиз қолдирдилар, қийналиб кетдим, — дер эди акам. — Мен рўза тутардим, намоз ўқирдим. Нечун менга бу азоблар?!

Бу сўзлар мени йиғлатди. Акамнинг ҳолини кўриш учун қабрини очдим. Кўрганим нима бўлди денг, лажатнинг ичини олов қоплаганди.

ЗАКОТ

лом бериб ўтиришгандан сунг Абу Синон уларга:

— Бир кўшнимиз бор эди. Акаси улди. Келинг, сизлар билан бирга уларниқига чиқайлик, таъзия билдирайлик! — дейди.

Ҳодисанинг бундан буюғини жамоада бўлган Муҳаммад ибн Юсуф Фиребийдан эшитайлик:

— Абу Синондан бу сўзни эшитган заҳоти баравар урнимиздан турдик ва айтган кўшнисиникига чиқиб кетдик. Акаси ўлган бу одам аччиқ-аччиқ йиғлар, фарёд кўтарарди. Унга тасалли бериб, сабр-тўзим тилдик, лекин у на тасаллини қабул этар, на сабр қилар эди. Шунда унга:

— Билмайсанми, ўлим ҳақ, ҳаммамизнинг бошимизга келади, ундан кутилиш йўқ, — дедик.

Дедики:

— Ҳа, биламан, улим ҳақ. Мен унга йиғлаётганим йўқ. Акамнинг кечакундуз тортаётган азобига йиғлайман.

Биз: «Оллоҳ сенга гойибдан хабар бердими, акам азоб тортаётганини қаёқдан биласан?» деганимизда, у шуларни тушунтирди:

— Йўқ, Оллоҳ менга гойибдан хабар бермади. Лекин акамни дафн этиб, қабрига тупроқ торганимиздан ва тобуткашлар чиқиб кетгандан кейин, мен бироз мазор бошида ўтирдим. Ушанда акамнинг мазори-

Буйнида оловдан бир маржон бор эди. Жигарлик қилиб, раҳм-шафқат билан қўлимни узатдим, буйнидан бу олов маржонни олиб ташламоқчи бўлдим. Қўлларим, бармоқларим куйди. (У шундай деганда бизга қўлини кўрсатди. Чиндан ҳам қўли қоп-қора бўлиб куйган эди). Шундан кейин яна қабрга тупроқ уйдим, қолдириб кетдим. Акамнинг бу ҳолига мен йиғламай ким йиғласин, жигар-бағрим эзилди кетди!

У одамдан: «Акам нима иш қиларди? — деб сурадик. — Қайси фарзларни адо этмасди?» Дедики:

— Молининг закотини бермасди.

Биз ҳам, бу ҳодиса Оллоҳнинг:

— Оллоҳ фазлу карами билан ато қилган нарсаларнинг закотини беришга бахиллик қилган кимсалар ҳаргиз бу қилмишларини ўзлари учун яхшилик деб ҳисобламасинлар! Йўқ, бу қилмишлари ўзлари учун ёмонликдир. Бахиллик қилиб бермаган нарсалари қиёмат кунда бўйинларига ўралажак! (Барча жонли-жонсиз нарсалар кетар ва) осмонлару ер мерос бўлиб Оллоҳнинг узига қолур. Оллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир, 73/ — оятини тасдиқлайди, сенинг акамнинг азоби тезлик билан, қабрдаёқ бошлатилибди, энди яна қиёматгача давом этади! — дедик.

Муҳаммад ибн Юсуф Фиребий да-

вом этади:

— Сунгра у ердан турдик. Саҳобалардан бири, Пайғамбарнинг суҳбатдош ҳамсояси Абу Зарниқига бориб, бўлган воқеани айтиб бердик ва: «Биз ҳайронимиз, Яҳудий ва насронийларнинг уликлари бошида бундай ҳодисалар содир бўлмайди!» дедик.

Абу Зар: «Шубҳасиз, зотан улар жаҳаннамликдирлар. Оллоҳ сизга бундай ҳодисани аҳли имонда кўрсатганки, ибрат олинг, деб» деди.

Оллоҳ буюради:
— Сизларга Парвардигорингиздан ҳужжат келмишдир. Ким кўр бўлиб олса, ўзи учун кўрар. Ким кўр бўлиб олса, ўзига зиёндир. Мен Сизларнинг устингизда қўриқчи эмасман. 74/

Нақл этилишича, Пайғамбаримиз буюрдиларки:

— Оллоҳнинг нуқтаи назарида, закот бермаганлар яҳудийлар ва насронийлар ҳолида, ушур (юздан бир) бермаганлар маъжусийлар даражасидадир. Молининг закотини ва ушурини бермаганлар маллақлар ва пайғамбарлар тилида лаянат билан ёдланадилар. Калима-и шаҳодатлари қабул этилмайди.

Молининг закотини ва ушурини берганлар нақадар бахтли бўлишларини билсайдингиз! Уларга закот бермаганлар азоби йўқ, қиёмат азоби йўқ! Нақадар бахтли бўладилар улар! Ким молининг закотини берса, Оллоҳ унга қабрда азоб тортирмайди, вужудини жаҳаннам оташида ҳаром қилмайди, улар савол-жавобсиз тўппа-тўғри жаннатга кирадилар ва қиёмат кунининг шиддатли сувсизлигига маъруз қолмайдилар...

Миразиз АбЗАМ таржимаси

70/ Мўминлар сураси, оят: 4.
71/ Тавба сураси, оят: 34, 35.
72/ Маориж сураси, оят: 24-25 дан.

х/ Тобеин — Пайғамбарнинг саҳобасини кўрганлар.

73/ Ол-и Имрон сураси, оят: 180.

74/ Аънон сураси, оят: 104.

Аёллар дунёси

МЕҲРДАН ЯРАЛГАН СИНГЛИМ

«Хуп» деган сўзини интизорликла кутмади. «Сизсиз яшолмайман» деди собиқ синфдоши. «Мен ҳам» деди у кунглида. Сунг узича утинч, илтижо-ла термулиб турган йигитга: «Мен... мен сизни жудаям ёмон кураман», деди. Қиз шу сўзни айтди-ю, тилини тишлади. Йигитнинг дарди дунёси остин-устун бўлиб кетди. Қизга ёлворилари-ю, илтижолари кор қилмади. Йигит кетди. Қиз узоқ йиғлади.

Ҳа, у кунглига кирмоқчи булганларни ҳайдади. Улардан қочди. Бироқ узидан қочиб кетолмади.

Ширин орзунинг майин сабоси ичра ултириб гул палак, белбоғ, зардевол тикди. Меҳру мухаббатини қўшиб румолчалар туқиди. Йўқдан йундириб қуроқлар қуради. Хаёлидаги шахсуворини кўтиб яшади.

У онасини ювиб-таради, иссиғидан-совуғидан бохабар бўлди, докторга, табибга қаратди. Шурлик она қизининг бахтини бойлаганидан азобланарди. Яратганга илтижо қилиб: «Ё бор Худое, қизимнинг бахтини курсам ёруғ жаҳондан қузим очиқ кетмасди. Илоҳим, у ҳам узидан тиниб-тинчиб кетсин».

Кимки яхши ният қилиб, дуога қўл очса, ижобат булармиш. Худди шундай бўлди ҳам. Она тузалди, қизни сураб уша олисдаги — хаёлидаги шахсувори келди. Атрофни карнай-сурнай овози тутди, халқни туйга чорлади.

Она-боланинг юраги гупирлаб кетди бу овоздан. «Ёр-ёр»лар қуршовида қолган келинчак уйлари: «Тушимми, унгимми?» «Куев муборак бўлсин» деган сўзни эшитиб она уйга толди. «Тушимми, ё... Унгим бўлсин ишқилиб».

«Ёр-ёр» садоси кунгиллар тубида кумилиб ётган туйгулар қузини очди. Мудраган ширин орзуларни беҳос уйғотиб юборди. Тавба, суларга бу қадар қудрат қаердан индийкин?

Келинчакнинг қузларида милт-милт ёш, шабнам мисол титраб турибди. У онажонининг қўлларини упти, йиғлади. Онанинг қузида севинч ёши, дуога қўл очди. Йиғилганлар унга қўшилишди: «Илоҳим, борган жойингдан тошдай тингин. Ували-жували бўлиб, қўша қаринлар». Келин-куёвни «ёр-ёр» садоси, карнай-сурнай овози кузатиб қўйди. Улар орқасидан ҳавас-ла боқиб сузладим: «Илоё, бахтинг бекам бўлсин, менинг меҳрдан яралган синглим».

ойгул



Х. ОТАМУРДОВ сурати

Мавзуга қайтиб

УМРНИНГ КУШАНДАСИ

Америка кашф этилгунга қадар «кухна дунё» ерут оламда тамаки деган усимлик борлигидан ва ундан қандай мақсадда фойдаланилишидан мутлақо беҳабар эди. Маҳаллий аҳоли узун трубкалардан қандайдир тутунни сураётгани европалик денгизчиларни лол қолдирганди.

Орадан йиллар утиб, Искандару Чингизхон каби фотиҳлар эпломанган ишни ана шу тамаки дундирди, яъни бутун дунени забт этди. Зеро, бугунги кунда тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарилмайдиган еки истеъмол қилинмайдиган мамлакатни топиш мушкул. Аҳвол шу даражага бориб етдики, олимлар «соғлиқни сақлаш вазирлиги оғоҳлантиради» қабилидаги сийқа гаплардан чекишнинг зарари ҳақидаги илмий асосланган фикрларни баралла айтишга утдилар. Ҳатто, тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ва уларни тарғиб этишни тартибга солишни, чеклашни таклиф этмоқдалар. Масалан, АҚШ бош врачлари Жойселин Элдере хоним бу борада изчил иш олиб бораётган олимлардан биридир.

Уз-уздан «Бизда бу борада аҳвол қандай?» деган савол тугилади. Афсуски, Икром Искандар куйиниб

езганидек /«Оила ва жамият» 25, 1994/, унга ижобий жавоб бериш қийин. Республика ҳукумати соғлом авлод тарбиясига, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта эътибор бериб, гамхурлик курсатаётган бир пайтда Ўзбекистон ойнаи жаҳони бир неча ойлик «нафас» ростлашдан сунг сигареталар рекламасини яна бошлаб юборди.

Биз бир ҳақиқатни унутмаслигимиз керак. Сигарета ишлаб чиқарувчи ва уларни сотиш билан шуғулланувчи фирмалар янги бозорни эгаллаш мақсадида уз маҳсулотлари рекламасига миллионларни аямай сарфлайдилар. Улар бутун сарфланган миллионлар яқин келажакда чунтақларига миллиардларга айланиб қайтишини яхши билганларидан шундай қиладилар.

XX аср сунгида инсоният узи яратган қудратли ажал қуролиларини йуқ қилмоқда, у тинчликда яшашни, XXI аср тинчлик асри булишини истайди. Шундай экан, барча даврларнинг ва ҳамма халқларнинг энг такомиллашган, сездирамасдан ва секин улдирадиган қуролдан — тамакидан ҳам воз кечадиган пайт келмадимикан???

Даврон БЕК

Соғлом ва гўзал бўлай десангиз

11. ГОМУКҲАСАН

Гилям ёки одёлда утиринг. Чап оёгингизни тиззасидан букинг ва уни ўнг думбангиз ёнига келтиринг. Ўнг тиззангизни букинг ва ўнг оёгингизни чап оёгингиз ёнига шундай олиб келингки, тиззаларингизнинг биттаси юқорида, иккинчиси пастда турсин. Ўнг оёгингиз товони чап думбангиз ёнида бўлсин. Ўнг қўлингизни ўнг елкангиз юқорисидан орқангизга ўтказинг ва чап қўлингизни чап қўлтиқ остидан ўтказинг. Қўлингиз бармоқлари билан иккинчи қўлингиз бармоқларини ушланг. Ўнг қўлингиз ёрдами билан бошингизни тик тутинг. Тўғри утиринг. Тўғрингизга қаранг. Меъёрида нафас олинг. Бу асанни му-

каммаллаштиради. Ўнг қўлингиз ва чап қўлингиз ҳамда оёгингизни алмаштириб, ушбу асанни бир вақтда уч маротаба бажаришингиз мумкин.

ФОЙДАЛАРИ:

Гомукҳасан бел огригини даволайди ва буйиндаги огриқни даф этади. Кувватсизлик ва диабетни ҳам даволаш кучига эга. Аёллардаги лукерия хасталигининг олдини олишга ёрдам беради. Қўл мушаклари ва қўлини букилувчан қилади, шунингдек юқори ёки паст қон босимли беморларга, Херния ҳамда букрилиқ касаллигига учраган кишиларга ёрдам беради.



Бир «жигули» у қўл кўтармаса ҳам ёнгинасида тўхтади. Шофёр деразадан бош чиқазиб:

— Синглим, қаяққа борасиз? — деб суради.

Салтанатга шофёр йигит шубҳалироқ кўринди. Унга нима дейишни билмай эсанкиради.

— Синглим, мендан хавотир олманг. Жуда беаҳалга қолиб кетибсиз, уйингизга обориб кўяй, деяман. Мен бола-чақали одамман. Сиздан сал кичикроқ қизим бор.

Салтанат қўрқа-писа:

— Такси кутаяпман. Частний машинага пулим етмайди, — деди.

Шофёр кулди: — Ахир мусулмонмиз-ку, савоб учун обориб кўяй.

Унинг «мусулмонмиз-ку» дегани Салтанатга далда берди. Иккиланиб машинанинг орқа ўриндигига ўтирди.

— Қаяққа обораёй?

мон юра бошлади. Бирор километр юрмасдан мотор ўчди, қолди. Энди нима қилиш керак! У юк хонасидан конистр олиб, ўтган-кетган машиналарга қўл кўтара бошлади. Аксига олиб биронтаси тўхтаса-чи? Ярим соат турди, бир соат турди. Бир самосвал тўхтади.

— Жон ука, бензиним тугади. Беш литр бериб тулинг.

Самосвал ҳайдовчиси унинг аҳволини кўриб пастга тушди. Шофёр шофёрнинг дўсти, улар ҳеч қачон бир-бирларини ташлаб кетмайдилар.

У шланка олиб конистрга бензин кўйиб берди. Йигит унга раҳмат айтишни ҳам унутиб бакига кўйиб олди. Ана шундан кейин орқага қайтиб боя қиз тушиб қолган жойга келди. Чироқ ёниб турган подъезд олдида тўрт-беш хотин нималарнидир қизишиб гаплашардилар. Йигит уларнинг олдига борди. Қиз йиғлайверганидан қовоқлари шишиб кетган, тинмай ҳи-

қиз яна сапади. Биронинг кўзи кам чиқди.

— Уялмайсанми? — деди бояги жиккак хотин. — Қоматингни қара, тоғни урса талқон қиламан дейди-я! Шу муштипарнинг пулини олгани уялмадинг-ми?

Йигит ёмонам изза бўлди. Чунтагидан бир даста пул олиб қизнинг сумкасига тикди-ю, орқасига бурилиб машина томон жадал кетди.

— Ҳой-ҳой, — деди жиккак хотин.

— Бунинг мингдан ошиқ, ортигини олиб кет! Йигит қайрилиб қарамади. Машинасига ўт бериб қоронгуликка шўнғиб кетди.

— Вой ўлай, — деди қиз. — Менгина ўлай, ахир газга, электрга 70 сўм тўлаган эдим-ку. Машинасининг номерига қарадингларми?

Йўқ. Ҳеч ким қарамаган эди. Ким у? Қаерда туради? Қаерда ишлайди? Исми нима? Буни ҳеч ким билмасди.

Саид АХМАД

— Қиз ўрдада турган бола кўзига кўриқилди ва кўзини абадий юмди. Буни кўрган бувиси ёрдамга югуриш урнига жасадга кертсин селип ёқиб юборди. Сўнгра бола йўқолди деб, милицияга арз қилиб борди. Бир соатдан кейин эса, жодугар буви терговчига бўлиб ўтган воқеа ҳақида батафсил гапириб берди.

ҚИШЛОФИГА СОДИҚ КАМПИР

Александра Дмитриевна Мамаева исмли кампир, 7 йилдан буён Свердловск вилоятидаги Волковское Шилпачи қишлоғида Ёлғиз ўзи истикомат қилмоқда. Бундан анча йил илгари қишлоқда 500 хонадон мавжуд бўлган бўлса, бугунга келиб эса 5 тагина уй қолган, холос. Уларнинг ҳам фақат биттасида Александра мо-мо яшайди. Яқинда кампир 80 ёшга тўлади. Фарзандларининг шахарга олиб кетишига розилик бермаган она — «Шу ерда туғилдим, шу ерда ўламан», — деб жавоб қилапти.

Александра Дмитриевна 7 км узоқдаги қўшни қишлоқдан деярли ҳар куни сув ва нон ташийди. Қишнинг қорли-қировли кўнларида кампир озиқ-овқатни чана ёрдамида олиб келади. **Хорижий манбалар асосида тайёрланди**

БОШ МУҲАРРИР:

Абдукарим РАҲИМБЕРДИ

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси
болалар жамғармаси ва «Соғлом
авлод учун» Халқаро хайрия
жамғармаси.

МАНЗИЛИМИЗ:

700078, Мустақиллик
maidони, 5-бино.

Телефон: 39-43-95
Даврон БЕК
навбатчилик қилди
Обуна индекси - 64654
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0265. 23566 нусхада чоп
этилди. Офсет усулида босилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.